

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 6 феврал
Сотувда эркин нархда
№ 26 (2588)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Мақамасининг
ҚАРОРИ

“Она ва бола” давлат дастури тўғрисида

2001 йил Ўзбекистон Республикасида “Она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Ф-1306-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Мақамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республика комиссияси томонидан Вазирлар Мақамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган “Она ва бола” давлат дастури тасдиқлансин.
“Она ва бола” давлат дастури тадбирлари республика ва маҳаллий бюджетларда тасдиқланган аниқ манбалар ҳамда бажарувчиларнинг маблағлари билан таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Қуйидагилар Давлат дастурининг асосий максаллари ва вазифалари ҳисоблансин:
дастурда мўлжалланган чора-тадбирларнинг оила манфаатлари амалга оширилишини таъминлаш, аёлларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган Давлат дастурига, “Соғлом авлод” дастурига мувофиқ амалга оширилаётган барча лойиҳалар ва тадбирларнинг бундан бўён амалга оширилишини, тўлиқ тугалланишига эришилиши билан мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлаш;

она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътиборни кучайтириш, замонавий теб-биёт асбоб-ускуналари, профилактика тадбирларини мунтазам ўтказиш ёрдамида амалда тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда она ва бола-ни парвариш қилиш тизимини яратиш;
ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларда педагогика ва психологиянинг замонавий усулларини қўллаш асосида қатъий билимлар, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, атроф муҳитнинг бойлиги ва хилма-хиллиги, жаҳон маданияти билан кенг таништириш;
энг яхши анъаналаримиз ва урф-одатларимиз асосида болаларни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда ота-оналар, таълим муассасалари ва маҳаллаларнинг ролини кучайтириш;

(Давоми 2-бетда).

ТОЖИКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

3 феврал куни мамлакатимизга Тожикистон Республикаси Бош вазири О.Қудлоев бошчидаги делегация ташриф буюрди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У.Султонов билан учрашдилар.

Хукумат қарорғоҳида икки мамлакат расмий делегациялари ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари юзасидан музокара қўлиб ўтди. Унда, асосан, транспорт ва коммуникация, сув ва энергетика соҳалари бўйича алоқалар ҳақида сўз борди.

Музокаралар якунида Тожикистондаги Қайроқкум сув ombори иш тартиби ҳамда 2001 йилда Тожикистон Республикаси давлат қарзини тўлаш билан боғлиқ ишлар тўғрисидаги битимлар имзоланди.

(ЎзА).

Тўй-томоша ғолибларга ярашар




Сўнги саккиз йил ичида вилоят марказидаги «Отчоплар» уйингоҳи ўз бағрига бунчалик кўп одамни қорламаган эди. Утган шанба куни бу жой вилоятнинг барча туманларидан таклиф этилган агроэконом мажмуи ғолиблари — пахтакорлару соҳибкорлар, пиллакорлар у чорвалдорлар, полизчилару сабзавоткорлар билан гавжум бўлди.

Тўй-томоша, шоду хуррамлик ғолибларга ярашар экан. Утган йили, орандан беш йил ўтгач, ниҳоят, фарғона туманидаги «Фарғона» жамоа хўжалиқларида пахтадан 40 центнердан ҳосил олинган бўлса, Кува туманидаги Раҳматов номи, Олтиариқ туманидаги Охунбойево номи хўжалиқлари фарғоналикларга қўрақорлар эса белгиланганлик билан икки баравар кўп маҳсулот етиштирилди. Бу ютуқлар

ўз-ўзидан келгани йўқ. Азалдан мард ва танги деҳқонлар юрти бўлган Фарғонанинг илгарти шон-шухрати, файзу таровати, жозибасини қайтариш учун, бутун вилоят меҳнаткашлари бир ёқдан бош чиқариб меҳнат қилдилар. Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Комилжон Мамажонов ва Юрсинали Жураев, уларнинг юзлаб илоҳий меҳнат жанг-ғоҳида байроқдор бўлдилар. Учқўприк туманидаги Деҳқонов номи, Олтиариқ туманидаги «Оқ бўйра», Фарғона туманидаги «Фарғона» жамоа хўжалиқларида пахтадан 40 центнердан ҳосил олинган бўлса, Кува туманидаги Раҳматов номи, Олтиариқ туманидаги Охунбойево номи хўжалиқлари фарғоналикларга қўрақорлар эса белгиланганлик билан икки баравар кўп маҳсулот етиштирилди. Бу ютуқлар

Фарғонада ҳосил байрами



натларига яраша мукофотландилар. Хусусан, ҳар гектар ердан 47 центнердан пахта ҳосили тошпирган куваллик фермер Зокиржон Сиддиқов ва Фурқат туманилик пахтакор Толибжон Отабосевларга совға тариқасида «Тико» автомашиналари тақдим этилди. Олтиариқ тумани, шунингдек, бир қатор хўжалиқлар, жамоалар ва ташкилотларга «ГАЗ-3102», «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналари берилди. Ғолиблар яп-янги машиналарни миниб, «Отчоплар» йўлақларидан ўтганларида, бутун майдон олқишларидан ларзага келди. Ва шу шод-донишлик даҳзаларда тўлганлар «Халол, фидокорона меҳнат энгиз давлат келтиради» деган нақдининг нақадар тўри эканлигига иймон келтирилди.

Тантана қатнашчиларини вилоят ҳокими Алишер Ота-

боев, спорт усталари, санъаткорлар қутлашди. Магдуботчилар, пазандалару қандоқчилик эса уларга кун бўйи хизмат қўришди.

Байрам ҳалқимизнинг қадимий уйини — «улоқ» муسابақалари билан якунланди. Бу муسابақаларда қўшни вилоятлар ва қардош Қирғизистон Республикасидан келган чавандозлар ҳам иштирок этишди.

Қувончлиси, ҳосил байрами айни кунларда жорий йил ҳосили учун пухта замин яратётган деҳқонларга кўтаринки кайфият, хурсандчилик бахш этиб, уларнинг қуларига-қуш, гайратларига-гайрат қўши.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАРДА: тантанадан
лаҳзалар.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар.

Моҳият

қина ёнидан оқиб ўтади. Дарёнинг яқинлиги сабаб, шаҳарда ўнлаб йирик бўлоқлар отилиб туради. Серсус

Сўнмас сеҳрлар шаҳри

чиларига қарата савол ташладилар: «Мана, муқаддас Чокардиза қабристониде адабий рихлат қилишни васият қилиб, кўна Шарқнинг турли минтақаларида туғилиб вояга етган Бурхониддин Марғиновий, Аҳмад ибн Абу Бакр Насафий, Аҳмад аш-Шошӣ, Муҳаммад ибн Абу Бакр Узғандий, Хожӣ Муҳаммад Фозил Балхий ва ҳоказо ва ҳоказолар Самарқандга интилганлар ва шу ерда абодий қолганлар. Бунинг сабаби нимада? Уйлаб кўрингизми?»

Юртбошимиз Самарқандга тааллуқли энг муҳим ва айни пайтда энг мураккаб саволни қўйдилар. Сабаби шуки, бу шаҳар тарихи ва тақдири — туганмас сеҳрлар

олами. Сеҳр, шу боисдан сеҳрки, унинг жавоби мушкул. Шундай бўлса-да, бу сеҳрли шаҳар жозибасининг айрим хусусиятларини таҳлилдан идрок этишга уриниб кўрайлик.

Шарқ дунёсига Самарқанд шаҳар сифатида жуда эрта машҳур бўлиб кетди. Бунга сабаб, биринчидан, унинг Аллоҳ томонидан ато қилинган табиатидир. Айни, шаҳар қалинлиги ўрта ҳисобда 60 метрга келадиган серсунум, тўртламчи давр — лёсс тупроқ қатламнинг устида бунёд қилинган. Фақат шу қатламдагина усимликлар ва дарахтарлар унади. Яна, Зарафшон дарёси шаҳарнинг шундоқ-



бу ерда жуда эрта ҳаёт бошланган. Бундан қарийб 25 минг йиллар муқаддас ибтидоий аждодларимиз бу ерда макон қургандар.

Ўрта асрлар тарихчиларининг суюкли машғулотларидан бири Самарқанд тарихини қаламга олишдан иборат эди. Самарқанд тарихи тўғрисида шунчалар кўп манбалар борки, бу борада Ўрта Шарқда унга тенг келадиган бирор-бир бошқа шаҳар йўқдир.


қўра, шаҳарга яманлик Самар асос солган ва ул зот номига туркийча «Кент», яъни «шаҳар» атамаси қўшилиб, «Самарқанд» деб ифода қилинган. Ушбу ривоят «Кичик Қандий» асариде қайтарилиб, подшоҳ «Шамар» тилга олинди. Абу Тоҳирхожа «Самария» асариде барча ривоятларни йиғиб, шаҳар исмини беш қарра «Самар» исми шахсга боғлаб изоҳлайди. Лекин, IX асрдаёқ Табарий «Тарихи Табарий» асариде шаҳарда энг аввал «қанд» деган турк аймағи яшаганлиги сабабли «Самарқанд» деб аталганлигини ёзди.

Туркийнинг буюк алломаси Махдум Кошғарий «Девони лугатит-турк» асариде ҳам «Самарқанд» атамаси туркийча «бой», «обод шаҳар» деган маъзунни ифода қилди, деб ёзди. Қадимги санскрит тилида «смир» атамаси «чорраҳа», «саудо йўллари кесилган жой», «савдогарлар учрашадиган жой» тўшунчасини англатган. Юнон тарихчиси Каллисфен Самарқандни ўз тилларига мослаб «Мароканд» деб атаса, хитой элчиси Вэй Цзе эса «Кан» деб ёзди.

(Давоми 2-бетда).

Бугуннинг қаҳрамони ким?

Менга катта бир журналист: «Ўзбекистон истиқлолга эришиб, дастлабки қадамларини бошлаганда унинг елқасига қувват бўлажак иншоотларнинг биринчи гиштини қўйган оддий одамлар ҳам чин маънодаги замонамиз қаҳрамони», деган эди... Бу гапга икки-уч йил бўлди.



Ўзбекистон
асри

Ростдан ҳам, бутунги энг юксак даражадаги сановат корхоналаримиз бунёд этилиши учун ўзини четта олмаган, қарсиллаган совуқда симола (қорасакич) эритиб, ўша корхона томини ёпган, цементини қорган, шағалини ташиган, этни чимчилагувчи аёз зулмига мар-

дона туриб қурилиш майдонини тарқ этмаган, шу ерда бир иншоот пайдо бўладик, дунё тан берди, деб ёруғ фикрга ботган оддий ишчи, оддий замондошимиз бугунимиз қаҳрамони, давримиз фидойиси. Тоза хаёлдан чиққан тоза ўйда ҳикмат бўлади. Ўша ишчи хоҳ пармаловчи, хоҳ гишт терувчи, хоҳ сувқочи ёки бўёқчи бўлсин, менинг назаримда, ўз юртининг гуллаши, гуркираши учун қўлидан келган ишни сийқидилдан бажарди. Ва унинг айтгани вожиб бўлди.
Қоровулбозор саҳросида бир иншоот пайдо бўлдики, унинг доврғи хорижа етди. Аҳамияти Ватан иқтисодининг устун миқёсида белгиланди. Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи хусусида тўхталадиган бўлса, юртимизда ёқилги мустақиллиги қўлга киритилганини бевосита шу корхона билан боғлаш мумкин. Кўп-қуруқ чўл, чанг-тўзон учиб, қишда бўрон ўйнайдиган бийдай саҳрода «оқ кема» янглиг қад ростлаган, мислсиз қувват билан ишлаётган, жаҳоний техник қурилишлар билан жиҳозланган заводнинг пайдо бўлиши жараёнида иштирок этган қурувчи ёки водий тарафдаги осмонўпар тоғлар белини ёриб ўтган Қамчиқ довоидаги равои, кенг магистрал йўл қурилишида қатнашган ишчининг заҳмати хусусида ўйланганимизда, кўз ўнгимизда давр қаҳрамонлари бирма-бир ўта бошлайди. Қўйингки, Ватанимизнинг ҳар бир вилоятида буй кўрсатаётган йирик иншоотлар, ўзгаришлар — бари-бариси қалбиде истиқлол фаҳр-ифтихор ўтини ёққан замондошларимиз меҳнати. Шундай экан, «Бугуннинг қаҳрамони ким?» деган савол кўпроқ журналистиканинг серқирра жанрлари — очерк ва публицистикадан жавоб кутапти. Ўта ҳозиржавоб маъмур жанрларда истиқлолимизнинг 10 йиллиги арафасида кўзга қўринарли, кенг қамровли чиқишлар қилинаётганини ёки йўқини, бунинг муҳожима қилиш ниятида эмасми. Муҳими, бугун яратувчи одамлар тилига, дилига яқин сўз билан уларнинг меҳнатини улуғлаш, уларга ўз фидойилиқлари хусусида қалбимиз қарорати билан чин гапни айтиш, қолаверса, мустақил давлатимизнинг олтин саҳифаларига уларнинг мураккаб номларини муҳрлаш. Бугунги журналистика ҳамда ўз Ватани ва миллати истиқлолидан гуруранган матбуот вакили учун бу йўлда собит туриш — ватанпарварлик нишонаси!

Қамчиқ довоида қор-ёмғир остиде тоғ белидан шағал кўчираётган, «полвонтрактор» кетмонидан тушган тошларни равои йўлдан қадоқ қўллари билан териб четта чиқарётган йўлсоз ёки дала ярим соат турган жарнакчи учун қалбни ёнликлардан қаҳрамонлар излашга ҳожат қолмайди. Ҳаёт, чинакам ҳаёт ва одамларни борича тасвирлаш бугуннинг қиёфасини, мустақиллик моҳиятини очиб беради.

Деҳқон ёнида деҳқон бўлиб туролмаган, фан оламида доврғули олим ҳузурига имкон қадар олимликка даъвогар бўлиб қўрилмаган журналист журналист эмас.

Менинг назаримда, ҳаётнинг кўзгуси ҳисобланган очерклар яратилмаётганининг бош сабаби ҳамкасбларимизнинг серқирра фаолият юритолмаётганидир. Йўқса, қани, нега янги очерклар кўзга ташланмапти?..

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг ўтган ҳафтадаги йиғинида ҳам юқоридаги саволларга жавоб изланди. Ва унда давр нафаси уфурган публицистик руҳдаги китоблар чоп этилиши, очерклар тўпламлари яратилиши ўзбек қаламкашларининг истиқлолимизга эҳтиборини эъқлиги қўйилди ва гап сифатида қалди. Очиғини айтишда, Республика Давлат матбуот қўмитаси бу хайри ишга чоғланган адиблар, журналистлар учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга тайёрлигини билдирди.

Тўғри, ёздандан кейин кенг муҳоҳада билан, жонли қилиб, мукамал ёзиш керак. Бунинг учун қалам ушлаган одам салохияти, фикри, дунёқараши кенг бўлиши лозим. 10 йил истиқлолимиз учун ўнлаган давр. Тарихини беэзағуви беқеъёс қаҳрамонликлар содир бўлди. Ватан сарҳадини ҳимоя этиб, кўксини ўққа тутган ўғонларимиз ўз озадлигини ҳеч қачон қўлдан бермайдиган миллатнинг бетимсол жасоратини номоеъ қилдилар. Шулар — қаҳрамонлар! Ўз кашфиёти билан Ватан шавқатини дунёга кўз-кўз қилган олимларимиз қанча — шулар қаҳрамонлар! Спортимизнинг жаҳон шоҳсупаларига кўтариб, юрт мадҳиясини оламга тинглатган шерюрак баҳодирларимиз, бугуннинг қаҳрамонлари!.. Илзасак, мактаб партасидаёқ ҳайратли кашфиётлар бошида турган ўғил-қизларимиз бор — шулар қаҳрамонлар... Уларнинг ҳар бири, ҳар бир кунини бир очерк!..

Қаламкаш учун лоқайдлик кеңиримас хол. Қўл учиде асар ёзиш эса — жинойт. Улуғ шоиримиз Абдулла Ориф таъбири билан айтганда, ҳозирча «рахматли бўлиб турган» очерк жанрини тириктириш, унинг хамиртуруши соф адабиёт, эъзулиқ бўлишини унутмаган ҳолда ҳақ ичига, қаҳрамонликлар сари юз бурни лаяти келди...

Энди ҳар бир ёзувчи, шоир, журналист, ўзига ўзи бир савол бериб кўрсин — бугуннинг қаҳрамони ким? Бу истиқлолимиз 10 йиллик тўйи нишонланаётган тарихий кунларда ҳар биримизнинг қалбимиздаги савол бўлиши керак.

Қўчқор НОРҚОБИЛ.

Тўлов интизомини мустаҳкамлайлик

Бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича кичик комиссиянинг 2000 йилги фаолияти якунлари ва 2001 йилги вазифаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари Р.Аҳмедов бошқарди.

Йиғилишда қайд этилганидек, қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида қорхоналар ва ташкилотларнинг бюджетга тўловлар бўйича қарзорлиги 2001 йилнинг бошига келиб, ўтган йилнинг шу кунига нисбатан олти фоизга қаммади.

Утган йилги бюджет олдиде қарзи бор қорхоналарнинг депозит ҳисоб рақамларига берилган инқасос тошпирқилари қиймати 1999 йилга нисбатан 1,8 маротаба кўпдир. Шунингдек, бюджетга тўловлар бўйича қарзорлини ундиршиш қарор қорхоналар мулкчи ҳисобидан амалга оширилгани тўғрисида бюджетга ўтган йилгига нисбатан 1,6 маротаба кўпроқ тўловлар ундирилди.

2000 йил давомида бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни суяйтирган раҳбарларга нисбатан ўтказилган ҳужжатли текширувлар давомида аниқланган солиқ қонуночилиги талабларини бузганлиги учун маълум миқдорда қўрилди. 8660 нафар мансабдор шахс жаримага тортилди, солиқ қонуночилигини бир неча бор бузган шахсларга доир 126 та жиноий иш қўзғатилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ
“Она ва бола” давлат дастури тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

мустақкам ва соғлом оилани шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш, болани тарбиялаш, жисмоний ва маънавий ривожлантиришда она ва оиланинг ролини кучайтириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаъдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда тасдиқланган “Она ва бола” давлат дастури қондалари асосида ҳамда минтақа ва тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бир ой муддатда тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишлар, уларда аниқ чора-тадбирларни ва бажарилиши мўлдатларини назарда тутишлар ҳамда уларнинг амалга оширилишини қатъий назорат остига олинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, ҳужалик бинолари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар,

шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари: тасдиқланган “Она ва бола” давлат дастурида белгиланган мўлдатларнинг ўз муддатларида сўзаси бажарилишини таъминласинлар.

Илгиринг ҳар чорагида ўз мажлисида “Соғлом авлод” ва “Она ва бола” давлат дастурининг бажарилишини кўриб чиқсинлар.

Илгиринг ҳар чораги якунларига кўра ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунигача Вазирлар Маҳкамасига тасдиқланган дастурий топшириқларнинг амалга оширилиши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

5. “Она ва бола” давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Ф-1306-сон фармойиши билан

ташкил этилган Республика комиссиясига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекс ҳамда Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекс қотиббингари ва “Соғлом авлод учун” Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тузилмалари Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, “Узелерадио” компанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари “Она ва бола” давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтирилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир У.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 5 феврал

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда қатор вазирликлар ва идоралар қармоғида қорхоналар ва ташкилотларнинг молиявий ҳолини яхшилаш бўйича чоралар кўрилмади, солиқ қонунчилигини бир неча бор бузиш ҳоли руй берди.

“Ўзбекнефтгаз” миллий ҳолдинг компанияси, “Узултуржи-биржасавод” уюшмаси, “Узавтотўл” давлат концерни қорхоналари ва ташкилотлари томонидан солиқ қонунчилиги кўп мартаба бузилгани танқид қилинди. Қайд этилдики, санаб ўтилган вазирликлар ва идораларнинг айрим қорхоналари ва ташкилотлари томонидан солиқ мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмагани уларнинг молиявий ҳолини куйинлаштирди, айланма маблағларнинг ишла-тизмаслигига сабаб бўлди.

Энергетика вазирлиги ва “Ўзкимсаноат” уюшмаси раҳбарларининг эътибори ўтган йилгига нисбатан 2000 йилда бюджетга тушумларини умумий ҳаҷмида тулган солиқ тўловларининг солиштирма нисбати камийганига қаратилди.

Иттифоқ комиссиясининг 2001 йилги фаолиятларида устувор вазифалар белгилаб олинди. Улар орасида Давлат бюджетига тўловлар бўйича қарзга йўл қўйишнинг олдини олиш чоралари, ҳудудий комиссияларнинг роли ва масъулиятини ошириш, соҳалар ва

уларга тегишли қорхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисобчи ҳодимларнинг солиқда тортиш масалалари бўйича масъулиятини куйайтириш ва уларнинг касб маҳоратини ошириш бўйича жавобгарлиги масалалари мавжуд.

2001 йилнинг феврал ойида Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси тижорат банклари ҳодимлари билан биргаликда “Ўзбекнефтгаз” миллий ҳолдинг компаниясининг молиявий иқтисодий ҳолатини мажмуавий ўрганиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан қўзланган мақсад мазкур соҳадаги иқтисодий механизмни тақомиллаштириш, дебиторлик ва кредиторлик қардорларининг, бюджетта ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарзни камайтиришдан иборат.

Шунингдек, кичик комиссия томонидан шу йилнинг январ ойида бюджетта ва пенсия жамғармасига тўловларнинг келиб тушиши кўриб чиқилди. “Узавтотўл” уюшмаси раҳбарларининг эътибори бу борадаги ишларнинг етарли эҳсонлигига қаратилди, феврал ойида ва 2001 йилнинг биринчи чорагида бюджетта ва пенсия жамғармасига тўловлар бўйича топшириқларини сўзаси бажаришга доир чоралар белгиланди.

(Ў.А.)

(Давоми. Боши 1-бетда).

Нима бўлганда ҳам, “Самарқанд” атамасининг шахс номига боғлаб изоҳлангани тарихий ҳақиқатдан анча йироқдир. Араб тилидан анча қийинчи ҳам нотўғридир, чунки араблар келишидан минг йил аввал ҳам шаҳар Самарқанд номи билан машҳур эди.

Бизнингча, “Самарқанд” атамаси савдо йўлларининг кесишган жойи, “чорраҳа”, “бой”,

молда сардон номадлар цивилизацияларини бир-бирига боғлаб турар эди. Бунга VII асрга таалуқли Афросиёб деворий суратларининг мазмуни мисол бўла олади. Самарқанд подшоҳи Вахроман марказда, ўнг ва сўл томонларида унга интилаётган жанублик Чагонён элчилари, шарқдан келаётган Шох дағирга, Чин—Мочин юртининг асоздалари тасвирланган. Шивилизациялар тараққиёт даражасига кўра бир-бирларига жуда ўхшасалар-да, баъзи

Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурлар, бир фурсат бўлса-да, Самарқандда кўним топдилар, ундан даҳлиқ даражасига кўтарила олинган даражада куч-қудрат ошдилар. Урта Шарқ халқларига яна бир туйғун гинчилик бермас эди. Бу барча мўмин-муслимонларга хос хислат, жаннат тушунчаси, иймонни пок инсонларнинг жаннатий бўлиши орузи. Тарихга кулоқ тутаёлик. Алломалар Самарқандни “ер юзининг

Сўнмас сеҳрлар шохри



«обод» шаҳар деб изоҳлангани ҳақиқатга анча яқиндир. Ҳозирги кунда шаҳарнинг эски маҳаллаларидан бирининг номи «Чорраҳа» деб номлангани ҳам бежиз эмасди.

Кўна Самарқанд шаҳрининг харобалари ҳозирги кунда Афросиёб номи билан машҳурдир. Буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Афросиёб Турон мамлакатининг подшоҳи сифатида тасвирланган. Афросиёб «Авесто»да Франграсян, туркий манбаларда Алп Эр Тунга номи билан намоён бўлади. Афросиёб харобалари билан «тур»лар етакчиси Афросиёб ўртасида боғлиқлик бордир. Самарқанднинг биринчи гиштини афсонавий подшоҳ Афросиёб қўйган бўлса, не ажаб. «Авесто»нинг гувоҳлик беришича, Афросиёб раҳнамоллигидаги «тур»лар билан «индияликлар ўртасидаги жанг милоддан аввалги VIII асрга рўй берган.

сайқали», «унинг чеҳраси», «нур таратиб турғувчи нуқта-си», «муслимон дунёсининг гавҳари», «Шарқнинг жаннати» деб улуғлашди. «Жайхун дарёсининг ортида Аллоҳ яратган ери бепеён, суви мул бир шаҳар борким, ул шаҳарни Худонинг ўзи асраган. Дарвозаларининг ҳар бирида беш мингтадан фаришталар бўлиб, қанотларини кең ёган ҳолда шаҳар аҳлисини ёмон кўзлардан асраб туради». Ҳаётда XII асрда Абдул Ҳасим Самарқандий.

IX-X аср бошларида тарихчи Табарни Самарқандни муслимон амирларининг боғидир», — деб улуғлайди.

Буюк Ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган Самарқанд IX-XI асрларда ўзининг тижорат борасидаги катта маъқеи эвазига «Савдо бандароҳи» номини ҳам олган эди. IX-XI асрларда Самарқанд хунармандчилик ашёлари, «велари» ипак ва пахта газламалари, қоғоз, мева-чеваларини фарбу шарққа экспорт қилар эди. Самарқанднинг «тило» шадтолилари етти мўжизанинг бирига айланган кетди. «Аллоҳ яратган сукули мамлакатларининг ичидан энг ширин, жаннатий мевалар Самарқандлардир» — деб ёзди араб географи ал-Истаҳрий. Самарқанд милоддан аввалги мингичинчи йиллардаёқ рангли ва қора металл эритишнинг, мато буюкларининг сир-асорларини яхши ўлаштирган эди. Сўнроқ шунга ва қоғоз ишлаб чиқаришнинг марказига айланди. Милодий VIII-X асрларга келиб сопол буюмлар сир ва қошининг ихтиро қилиниши ҳам Самарқанд билан боғлиқ.

Самарқанд илм излаб ҳам интилдилар. IX-XI асрларда бу шаҳар астрономия, тиббиёт, тарих, фалсафа, адабиётшунослик, фикр ва илоҳиётшунослик илмларининг марказига айланди. Шуниси диққатга сазоворки, Академик Б.Валдуфжаев Аҳмад ал-Фароний замондашлари бўлиши «Самарқанд» тахаллуси билан қалам тибратган ўзбек астрономларини тилга олади. X асрда яшаб ижод қилган араб сайёҳи ибн Хавқал шундай деб ёзган эди: «Самарқанд Мовароуннаҳрнинг олму фузуду, адаблари йилган шаҳар бўлиб, уларнинг энг машҳури Самарқандда таълим ва тарбия олиб қамолотга эришганлар». Самарқанднинг илмдаги довруғи Амир Те Мур замонида янада ошди кетди.

Самарқандда ноёб бадиий истеъод соҳиблари гузаллик, илҳом, наво излаб ҳам интилдилар. Буюклар Самарқанд жамолига интиқ бўлиб, ундан сир-асор излашди, рудихарига малҳам қилдиришди. Абу Абдулло Рудакий, Умар Хайём,

Самарқанддаги вилоят ширкат қурилиш трести бунёдкорлари ҳозирча туманларда 50 та қишлоқ ераклик пункти, 20 та мактаб, кўнал болалар боғчалари ва турар-жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширишди.

Самарқанддаги вилоят ширкат қурилиш трести бунёдкорлари ҳозирча туманларда 50 та қишлоқ ераклик пункти, 20 та мактаб, кўнал болалар боғчалари ва турар-жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширишди.

Мустақиллик иншоотлари



Бунёдкорлар сайрати

Самарқанддаги вилоят ширкат қурилиш трести бунёдкорлари ҳозирча туманларда 50 та қишлоқ ераклик пункти, 20 та мактаб, кўнал болалар боғчалари ва турар-жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширишди.

Биргина 2000 йилнинг ўзида бир миллиард 500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб, — дейди трест раҳбари Раббим Давлатов. — Бу 1999 йилгига нисбатан қарийб бир миллиард сўмлик кўп иш бажарилишини кўрсатади.

Айни пайтда кўли сул қурувчилар вилоятда касб-ҳунар коллежлари қурилишини ҳам жадал олиб боришляпти. Пахта-текстиль муносабати 750 ўринли қурилиш касб-ҳунар коллежи, Итихонининг «Баҳри» қишлоғида жойлашган 450 ўринли қишлоқ ҳўжасида касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилади. Ушбу ишда вилоятдаги замонавий касб-ҳунар коллежлар сони яна 5 тага кўнади.

Этироф этиш керакки, мазкур трест жамоаси барто этайақ иншоотлар анча орон тушади. Негаки, трест қошида 5 та гўшт, 2 та темир-бетон ишлаб чиқариш цехи ҳамда битта ёғочсолик қорхонаси ишлаб турибди. Улардаги таёр ва ярим таёр маҳсулотларнинг ўз вақтида етказилиб турилиши бунёдкорларнинг ишга қўл келтиради.

СУРАТДА: Трестнинг Самарқанд туман қурилиш участкаси бошлиғи Абдурахмон Аҳоров ва иш юритувчи Абдусамат Садимов қўлланажак ишлар ҳуеусида гаплашмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (Ў.А.) олган сурат.

МЕТРОНИНГ ЮНУСОБДА ЙўНАЛИШИ 1 СЕНТЯБРГАЧА ИШГА ТУШАДИ

Тошкент шаҳар фаоллари йилгилида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарори қандай бажарилаётгани билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Шаҳар ҳокими К.Тулаганов бошқарган йилгилида мустақиллик ҳаққини эришган улкан тарихий ғалаба бўлиб, заманамиз учун энг аян, энг муқаддас байрамга ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик кўриш ва юксак савияда ўтказиш зарурлиги таъкидланди. Пойтахтга кўтулган саниаи муносиб нишонлаш учун кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари авж олдирилмоқда. Жумладан, байрам арафасида Тошкент метросининг Юнусобод йўналиши бўйича 7,5 километр масофадаги олтинта станция ишга туширилди. Шаҳарнинг кичик халқа йўли — Амир Те Мур кўчасидан Шимолий темир йўл вокзалигача булган йўлни боғловчи бир неча кўприк қурилиш ишохисига етказилди. Жадал суратда бунёд этилаётган Тошкент Давлат консерваториясининг биринчи навбати тугалланди. Кўналб соғлом тағиллаш, маданий-маънавий иншоотлар, савдо марказлари битказилди ва таъмирланди. Шаҳарни кўкаламзорлантириш ва янада ободлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Йилгилида бу борадаги барча ишлари белгиланган режага мувофиқ ўз вақтида ва сифатида амалга ошириш, шунингдек, байрамга бағишланган халқаро ва республика миқёсидаги илмий-назарий анжуманлар, кўргазмалар, фестиваллар, кўрик-танловлар, оммавий спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларни ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

(Ў.А.)

Тадбиркорлик

Ҳазорасплик тадбиркорлар Аҳмаддон Рўзиматов ва Эркин Юсупов томонидан қисқа муддат ичида қуриб битказилган уч қаватли «Марварид» меҳмонхонаси бир йўла қирк кишини қабул қила олади. Туманга келиб-кетувчилар кўпу улар учун тайинли кўнимгоҳ йўқ эди. Шу боис ҳар икки тадбиркор дўкон қуриш фикридан қайтиб, замонавий меҳмонхона бунёд этишнинг афзал билишиди.

Бугун туман маркази чиройини оқиб турган мазкур иншоот учун катта маблағ сарфлангани йўқ. Агар ҳар икки тадбиркор иш маблағ эвазига фақат олди-сотили ёки бошқа мўмайроқ иш билан шуғулланганлариди, яхшигина даромад топишлари мумкин эди. Фидойилик, эл-юртта хизмат қилиш истаги шахсий мақсадлардан устун келди. Қолаверса, чинакам мулкдорлик тўғриси бўлакча. Мулкдор ҳар лаҳзада ўзи ва фарзандларининг эртанги кунини учун мустақкам замин ҳозирлаётганини ҳис этиб туради, йўлидаги мушкулотларни сабр-тоқат билан енгиб ўтади.

Юқорида номлари тилга олинган икки тадбиркорнинг фаолияти ҳам шундан далолат беради. Гарчи янги меҳмонхона қўрган кўзини қувонтира-да, уларнинг қаноатлантириётгани йўқ. Нега десангиз, бугун бўлмаса, эртага хорражий меҳмонлар ҳам ташириб буюришлари тайин. Чунки Ҳазорасп отримизнинг қадим гушааларидан бири. Шу сабабли барча хоналарини энг замонавий талаблар даражасида яхшилаш режалаштирилмоқда.

Меҳмонхона қошида ошхона, нон ёпиш цехи ҳам ишлаб турибди. Ун нафар йилгит-қиз бу ерда мўким иш билан таъминланган. Ҳадемай, бичиш-тикиш, қандалатпазлик цехлари ва саргарошхона ҳам фаолият кўрсата бошлайди. Яна унга яқин ишчи ўрни очилди.

Эгу интилишининг чегараси йўқ. Тадбиркорлар бу йил янги ферма ташкил этиш, мева-сабзавотни ўзлари етиштириш интиғини дилга кў элишган. Очигини айтганда, меҳмонхона ҳўжасининг ташкил этилиши чинакам эҳтиёж ва қизиқини етказди. Ҳозир ҳўжасида мазкур вазифасини бажариётгани Оламбой Рўзиматов олий ўқув юртида меҳмонхона ишларини юритиш иختисослиги бўйича ўқини ниятлади. Бу эа туманда янги касб эгалари кўпайишидан дарак беради.

Президентимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси гурӯҳи билан учрашулда ёшларнинг интилишлари чегари белгилангани алоҳида таъкидланди. Ҳазорасплик тадбиркорлар фаолияти бунга жонли мисол. «Камолот» жамғармаси вилоят ёки туман ташкилотлари ҳолингиздан хабар олинганда» деган саволимизга жавобан улар елка қисиб кўя қолди. Бундан икки ўртада ҳамкорлик йўқингизини англаш қийин эмас.

Ҳар икки ёш тадбиркор ижтимоий ҳаракат келажакига катта ишонач ва умид билан қарашди. Зотан, бу ҳаракат йилгит-қизлар манфатини ҳўма қилганда, табиий интилишларини рўбга чиқаришга қувақлашадиган ташкилотга айлангандагина, ҳаёда муносиб маъқега эга бўлиши мумкин.

Ҳаракатнинг дастур ва низомида ёшларни тадбиркорликка йўлдан, уларга узулқиз равишда амалий ёрдам кўрсатиш ва муаммоларини ҳал этишда ҳамнафас бўлиш масалалари кенг аёқ этиши мақсадга мувофиқдир, — дейди А.Рўзиматов. — Келажакда тадбиркорлик янада кўлөб ёзди. «Камолот» ижтимоий ҳаракати бу борада ўз ўрнини топиши ва ташаббускор куч бўлиб майдонга чиқиши лозим, деб ҳисоблайман.

Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Термизнон» ҳиссадорлик жамағати ишчиси Шарофат Қобилованинг ўтган йилги ўртача ойлик маоши 27 миң сўмга тўғри келди. Бу вилоятдаги олдий хизматчининг ўртача маошидан устун келди. Чунки, Ҳамро Аҳимов, Азиз Жовмуродов каби ўнлаб ҳодимлар муҳофазат дивизионларини қўшиб ҳисобласа, йилгига қарийб ярим миллион сўм даромад олмақдалар. Бунинг улар, аввало, қорхона раҳбари Парда Ҳолиматовнинг ташкилотчилиги билан боғлиқдир. Ҳолиматов деганимиз, вазири 8 пудча келгани билан табиатдан ҳаракатчан, ҳам ухлайдиган одам. Узининг этироф қилинича, бир қамчилиги бор: кўпроқ гапирди. Айниқса, мажлисларда да бошқаларга манфазати тегадиган бирон масала қўлиб туролмайди. Тақдирини, этирофини, мулоҳазасини ўртага ташлайди. Ана шундай чопларда айрилмағини қошлари чимирлиб кетганини кўриб туради. Лекин ичидан қайнаб келган гап бўзини ёндириб тургандан кейин...

Аслида Ҳолиматов гапга эмас, ишга энгил. Термизликлар илгари нархи қиммат, йўли узоқ бўлса ҳам Жарқўрғоннинг бу хонақаларини сотиб олишарди. Чунки уларнинг сифати яхши эди-да. 1993 йили 10 миллион сўмга яқин қарзи булган «Термизнон»нинг бутунги аҳоли қандай?

Очиги, қорхона жамоаси меҳнат ва изланиш тўғрисида ўз қалбини тиклаб олди. Айни кунда киши ҳисобига йилгига ўртача 3,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Самарқорлик — 25,5 фойз.

Тоққа Иш билганга минг танга ЧИҚМАСАНГ...

Соф фойда — 10 миллион сўмдан зиёд. Парда Ҳолиматовнинг ўзини? Қулоғига янги гап чалинса, тиничини йўқотди. Тўқсон тўққизинчи йили у Осие тиклиниш ва тараққиёт банкidan 464560 АҚШ доллари миқдорига қарз кўтарди. Италининг «Италко» фирмасидан сотиб олинган 2 та технология линияси сафта қўлиди. Пировадига 5 хил маканор, 3 хил печеневни ишлаб чиқарадиган ва қалқоқлайдиган шехларни ҳаракатта келтирди. Шу ҳисобдан 20 та янги иш ўрни очилди. Тайёрланган сифатли маҳсулотлар миқдорларининг диққатини тортди. Эндиликда қорхона жамоаси хорж бозорларига чиқди, қандалатчилик цехини очиб ишчиларини қўздирмоқда. Ишчилар қорхона ҳисобидан туристик саяҳатларга чиқишляпти, даволанишляпти, дам олишляпти.

— Иккинчи иккага кўпайтирсак — тўрт бўлади, деб ўтириш эринчюк, кечми ҳақиқатларга суниб қолган одамнинг гапи, — дейди П.Ҳолиматов. — Айрилмак мен, бир кеча-кундузда йилгига беш сеч шилайди, дейишди. Мақтов — ёқимли нарс. Лекин гап бунда эмас. Энг муҳими, юракда ўт, ташаббус бўлсин. Озгина интилиш, изланиш, ҳаракат билан юлдузини бенарвои урса бўлади...

Ҳолиматовнинг бу гапи менга шўрчилик Мамаражаб Мамараҳимов исми ёш бир тадбиркорнинг турғунини эслади. Мамараҳимовнинг «Меҳнат — роҳат» хусусий қорхонасида Ун йил офтобда қолса ҳам ўнгимайди буюк яратишга аҳд қилибди. Усталар, биланларини бу ишга жалб этибди. Соҳага оид ўнлаб китобларни ёлиб олинди. Тиршқоқликни кўриб-да.

Тоққа чикмай туриб, дўлана ейини осон эканми? Орадан неча қовун пишиги ўтди ҳамки, ангорликлар ҳали-ҳали қалишини Тошкентдан ташиб олиб келиб қиймоқдалар. Шўрчи туманида бундан 7-8 йил аввал бошланган ва қрасовка, бошлар пофазали, резина буюмлари, «Алидас» кийим-кечалари ишлаб чиқаришни қўзлаган ҳаракатларнинг изино ижросини бугун ҳеч қим сўрамай қўлиди. Заводу фабрикаларга ақратилган ерларда ярим-ерти қурилган иморатлар бугун чикринди ташланадиган жойларга айланган қолди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various currencies: 1 Австралия доллари 182,05, 1 Австрия шиллинги 22,53, 1 Англия фунт стерлинги 485,63, 1 Бельгия франки 76,86, 1 Голландия гульдени 140,70, 1 Греция драхмаси 9,11, 1 Дания кронаси 41,58, 1 БАА дирхами 89,95, 1 АҚШ доллари 330,34, 1 Миср фунги 85,58, 1 Испания песети 18,63, 100 Италия лираси 16,01, 1000 Туркия лираси 220,73, 1 Япония йени 39,91, 1 Люксембург франки 76,86, 1 Малайзия ринггити 76,94, 1 Германия маркеси 158,53, 1 Поляна злотийси 82,36, 1 СДР 431,25, 1000 Туркия лираси 0,49, 1 Финляндия маркеси 52,15, 1 Франция франки 47,27, 1 Швейцария франки 201,35, 1 ЕВРО 310,06, 10 Жапоний Корей вони 2,63, 10 Япония йениси 28,51, 1 Россия рубли 11,61, 1 Украина гривнаси 60,83.

Шунга ўхшаш хайрли мисолларни қўлаб санайиришимиз мумкин. Лекин санокни тўхтатиб, яна икки қарра икки тўрт бўлади, деган гапга қайтайлик. Бундан саккиз йил аввал Қизирқум туманида чойшаб, эркарларнинг ички қийматларини тикладиган пех очилди. Маълумотларни ранг-баранг қилиш учунми, туман раҳбарлари цехга «Узместекстиль» деб от қўйди. Уша қорхона ҳозир ҳам бор. Лекин номи улуғу супраси қорғи, деганларидек ҳамон ҳаракатсиз.

Ангорликлар ҳам, қизирқилдиклар чойшаб тикниса, биз қалиш тиканми, деган ташаббус бошлашгандай бўлувлар.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Истиклолнинг хузурбахш насими

Пахтаобод вагонлари

Юз-кўзларидан куч-ғайрат ёғилиб, самимият уфуриб турган қишлоқ йигитларига ким ҳавас қилмайди, дейсиз. Пулат излар устида арақаб турган юк вагонлари ўша бўз йигитлар қўлидан чиққан. Халқроқ иختисослашган комиссия томонидан юқори баҳоланган вагонлар карвони энди мамлакатнинг турли сарҳадларига йўл олади. Йигитлар эса Ўзбекистон тамғаси туширилган вагонларни тайёрлаш ва уларни белгиланган муддатлардан кечиктирмай буюртмачиларга етказиб беришда давом этадилар.

Ростини айтсам, кўча чангитиб юрган биз — ёшлар вақт келиб, галла-ю пахтаги қўйиллатиб қўямиз, вагон, автомобиль ишлаб чиқарамиз, деб ўйламаган ҳам эдик. — Чақноқ кўзларини темир йўлга тикканча тўлиб-тошиб сўзлайди Исомиддин Аҳмедов. — Буларнинг ҳаммаси муस्ताқиллик шарофати бўлди.

Исомиддин тўғри айтди, — деб сўхбатта қўйилади Сайдали Қаҳоров, — муस्ताқиллик ҳар биримизга қайси соҳада ишламайлик, ўзи ишимизни билиб қилишни ўргатди. Корхонамиз истиклол билан дегирли тенгдос. Тўғри, дастлабки йиллари ишимиз бироз юришмай турди. Кейин Россия, Украина мамлакатларидаги турлош корхоналар билан алоқа ўрнатган, жонларини пайдо бўлди. Мана, энди оёққа туриб олдик.

Уйда тинчи, ҳаловати, ишида унум, баража бўлган одамнинг руҳи тетик, ўзи бардам, гап-сўзлари ўқтам бўлади. Исомиддин билан Сайдалига кайфият Мухаммадхон Исмоилов, Шавкат Нажмиддин, Собиржон Султонов ва бошқаларга ҳам «юққан». Бир илож қилиб кунни кеч қилди.

Исомиддин тўғри айтди, — деб сўхбатта қўйилади Сайдали Қаҳоров, — муस्ताқиллик ҳар биримизга қайси соҳада ишламайлик, ўзи ишимизни билиб қилишни ўргатди. Корхонамиз истиклол билан дегирли тенгдос. Тўғри, дастлабки йиллари ишимиз бироз юришмай турди. Кейин Россия, Украина мамлакатларидаги турлош корхоналар билан алоқа ўрнатган, жонларини пайдо бўлди. Мана, энди оёққа туриб олдик.

Уйда тинчи, ҳаловати, ишида унум, баража бўлган одамнинг руҳи тетик, ўзи бардам, гап-сўзлари ўқтам бўлади. Исомиддин билан Сайдалига кайфият Мухаммадхон Исмоилов, Шавкат Нажмиддин, Собиржон Султонов ва бошқаларга ҳам «юққан». Бир илож қилиб кунни кеч қилди.

диган, «қўл учиди» ишлайдиган даврлар ўтиштига айланган, дейишди улар. Ўз қобилиятини ишга солишган, нима-ларга қодирлигини кўрсатадиган пайт келди. Юқоридан кўрсатма кутган эмас, ўз фикрига эга бўлган, янгиласқа дедил қўл урган, масъулиятни ўз зиммасига оладиган, эртанги кун режаси билан яшайдиган одамгина ютади.

Муस्ताқиллик вагонларини ана шундай одамларга айлан-тирдилар, тоблдилар. Қишлоқда барпо этилган корхона Исомиддин ва унинг ҳамкасблари меҳнати билан ўз қаддини ростлади. Ҳадемай у бутун воқоидани кўриб бўлиб, темир йўл тизимини учун қудратли ва замонавий вагонлар ишлаб чиқаришга зарур шартларни қўриб олди.

— Утган ўн йил биз учун синов даври бўлди, — дейди корхона раҳбари Хўшнудбек Мамажонов. — Маҳаллий ёшлардан 360 нафарни сафимизга қўшилди. Уларнинг ҳаммаси ўз ишининг устаси. Утган йили жамоамиз олти юздан ортиқ вагонни жорий ҳамда тўла таъмирдан чиқарди. Беш юз миллион сўмлик ҳажмда иш бажарилиб.

Анджон механика заводининг Пахтаобод туманида фаолият кўрсатаётган мақдур шохобаси жамоаси айни кунларда вагонларни шу ернинг ўзида йиғиб, хоржилик ҳамкорларга сотиш ҳақиқатида. Юқоридан айтилганидек, бу ерда тайёрланган олтига юк ташиш ваго-ни Халқроқ иختисослашган комиссия қўриғинан муваффақият-ли ўтди. Хоржилик ҳамкорлар ҳозирнинг ўзидаёқ 500 та вагон тайёрлаб беришга буюрт-ма берди. Вагонсозлар янги йилнинг биринчи кунларидан бошлаб ана шу буюртма асо-

сида ишлаб бошлашди. — Корхонамиз юксалгани бой бўлганимиз, — дейишди шу ердагилар. — Корхона иқтисодий жохатдан бақувват бўлса, ҳар икки томон учун ҳам фойдали. Бой бўлса, илгор технологияга эга бўлади. Янги қувватлар ишга тушади. Демак, янги иш ўриларни вужудга келди. Ойлик маошлар миқдори ортади.

Ночорлик бухронидан ривожланиш йўлига чиқиб олган пахтаободликлар ҳақ истемому ҳам моллари ишлаб чиқаришга ҳам қўл урдилар. Улар қўлидан чиққан иситиш қозонлари, стол-стулар, темир дарвозалар ва бошқа ўнлаб истеъмол моллари дўкнорларда туриб қолмапти. Улар газзани тўлдирини, ишловчилар жонига аро киришга хизмат қилаётгани билан эълитиборилди. — Ойлик иш ҳақи қанчага борапти? — сўраймиш ишчилардан. — Ҳозирча ўрта ҳисобда йиғирма мингта бориб қолди, — дейишди улар. — Ҳўшимча устама ҳақ оли-наётганили, махсус кийим-ке-чак берилаётганили, сўт маъ-сулотлари текин берилаётгани билан ҳисобга қирмайди, — дейди Шавкатбек исми йиғит.

Йиллар кетибди йиллар ўтиб боргани сайин истиклол ўзининг бутун бўй-бастини кўрсатмоқда. Унинг ҳузурбахш насимидан олис-оқсиз қишлоқ одамлари ҳам баҳра олиб, бу-тун борлиги билан йирамоқда. Жумладан, Пахтаободдаги қи-шлоқ вагонсозлари ҳам.

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Мактубдан туғилган мавзу

Тахририятимизга хат келди: "Ассалому алайкум, тахририят ходимлари. Сизлардан илтимос, хатимни ҳеч бир ўзгартиришсиз газетангиз саҳифаларида чоп этсангиз. Шояд, ёш қалбим идрок этган муаммо катталарга туртки бўлса..."

Хат аввалидаги ушбу сўзлар бизни сергаклантирди. Ва хатни охиригача, ҳеч бир ўзгартиришсиз эътиборингизга ҳавола этишга қарор қилдик: "...Уйлаб кўринг, катталар. Янги авлод янги ўзбек алифбосида сабоқ олапти. Улар учун яратилган дарсликлар ҳам яхши, замонавий. Аммо улар кутубхонага кириб нимани ўқийдилар? Улар учун дарсликларга қўшимча адабиётлар яратилдими? Тўғри, анчагина эртак китоблар бор. Лекин қизиқ — юрт, Ватан улардан нималарни кута-пти-ю, 13-14 ёшлардаги ўқувчилар эртак китоб ўқи-пти-салар?! У холда "Утган кунлар"ни қачон ўқи-дилар? Ҳазрат Навоийнинг дурдона асарларидан қачон баҳраманд бўладилар?"

5-10 минутлик маданий хордик чиқариш учун юз-лаб турдаги газета-журналлар чоп этилади. Айрим тўжкорий газеталар қай ердаги киноолдузининг тур-мушга чиққанини ҳақидаги ёки шу тахлит маълум-отлар билан тўлади. Кимга керак бу? Шунга кетган маблагъ эвазига Бобурнинг биргина "Бобурнома"си янги имлода чоп этилса, фойдалироқ эмасми? 2-3 йилдан кейин янги алифбод сабоқ чиқарган ўқувчилар олий ўқув юртига кириш учун тест синовларига тайёргарлик кўра бошлайдилар. Қай бирини ўқишга улгурдилар? Янги авлод саводсиз бўлиб қолмаптими?"

Қаҳқарай вилоят иختисослашган мактаб интер-нати 8-синф ўқувчиси Ғайрат ОМОНОВ.

Хат муаллифи ёш бўлиши-га қарамай, гошга қўюнаклик билан долзарб муаммони кўтарган. Унинг ёзганлари тур-тки бўлиб, мутасадди муассас-саларга унинг саволлари билан мурожаат қилдик. "Чўлпон" нашрияти дирек-тори Омон МАТЖОН: —Мактубини гош ҳўш, ҳалол, кўнглида авлоди таш-виши бор ўқувчи ёзганлигин-дан мамнун бўлдим. Миллий алифбодга ҳарф ал-машуви ниҳоятда катта, жи-длик, ижтимоий-сиёсий, маъри-фий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолида. Бу сафар энди 30—40 йилларда алифбод ҳарфлари алмашгандаги авлодларнинг иккига бўлиниб қолмиш фожи-аси тақдорнамаслиги керак. Бугунги кунда 6 миллионга яқин бола лотин алифбосига асосланган янги ўзбек имло-сида савод чиқармоқда. Икки-уч йилдан кейин уларнинг сони 10 миллионга етди. Аммо уларга мос тарзда пеш-ма-пеш лотин алифбосидagi адабиётларни ким етказиб бе-ради? Бу мутлақо давлат дасту-ри бўйича етук педагог, пси-холог олимлар иштирокида ва таъсиялари асосида ишлаб чи-

яшаган адабиёт намояндалари-нинг қисқача тархимаи ҳолла-ри, асарларидан парчалар жам-ланган. Кейинги икки жилд шериъатга бағишланган. Анто-логияга Мирзо Улуғбек номи-даги Ўзбекистон Миллий уни-верситетининг профессор-ўқувчилари муаллифлик қил-моқдалар. Антология тахминан май ойларида ўқувчиларнинг қўлига тегади. Ҳажми 140 бо-

алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги 104-сонли қаро-рига кўра, умумий ўрта таъ-лим мактаблари ўқувчилари бошқича-бошқич лотин ёзуви-даги ўзбек алифбосига ўтмоқ-да. 2001-2002 ўқув йилида 8-синф, 2002-2003 ўқув йилида 9-синф ўқувчилари лотин ёзу-вида ўқий бошлайдилар. Бошқича-бошқич лотин ёзу-вига ўтиш жараёнида мактаб дарсликларига ўрганилаётган лотин ёзувидаги бадиий ада-биётларни ҳам чоп этиб бо-риш режалаштирилган. Хатда кўрсатилган масала бўйича Заҳриддин Мухаммад

чоп этилади. Шу ўринда ўз тақдирини-ни ҳам ҳўмингизга ҳавола эт-сак: бизнингча, лотин имло-сига ўтиш даврида умумтаълим мактабларининг бошланғич



Янги авлод "ҲАМСА"НИ ҚАЧОН ЎҚИЙДИ?

ма табоқ. Бу жуда йирик ҳажм, таннархи ҳам шунга яраша бўлади. Уни ҳамма ҳам сотиб ололмайдилар. Вилонтлар, туман-лар ҳўкимликларига шу маса-ла бўйича ўзимизнинг тақли-фимиз билан мурожаат қил-моқчимиз.

Айрим романларни янги ўзбек алифбосида чиқариш ре-жамизда бор. Лекин китоб савдо-си бироз мушкул муаммо бўлиб турибди. Тайёр қўлма-малари чиқаролмаётганимиз-нинг ҳам боиси шу. Чиққатган китобларнинг адади 3000-5000 нусхадан ортамайти. Менинг-ча, китоб савдосини жойлар-даги ҳўкимликлар назоратта олиши керак, шекчили. Китоб билан савдо қиладиганларга имтиёзлик кредитлар бериш мумкин. Биринчи ўринда шу муаммони ҳал қилиш керак. Чўки китоблар нашриёти қучи билан чиқарилади. Чиққан китоблар сотилмай ётса-ю, янги-янги китоблар чоп эта-вериб қандай бўларкин?"

Карим НОРМАТОВ Ғафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти директори: —Ҳозирчада Давлат таълим стандартига кирган адал ва шир-ирларнинг 20 дан ортиқ асар-лари нашрдан чиқди. Алишер Навоий, Абдулла Қодирий асарларини ҳам чоп этиш режамизда қолди.

Раъно ОТАБОВА Ўзбеки-стон Республикасида Халқ таъли-ми вазирлиги дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бўлими бош-лиғи: —Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 мартда қабул қилинган "Лотин ёзуви асосидаги ўзбек

сифлардаги ўқувчиларга кир-илди алифбосидан ҳам сабоқ бериш маққул бўлур эди. Чўки кирилди ёзувида мавжуд бў-лик ахборот ва адабиётлар бой-лигини лотин алифбосига ўт-казиш учун ҳали яна ўн йиллаб мулдат ва жуда катта миқдор-даги маблаглар талаб этилади. Бу орала кирилди алифбосидан бехабар бўлиб, волега етган янги авлод ўз маърифатини оширишда қандай қийинчи-ликларга дуч келишини бир кўз олимизга келтирайлик. Янги авлод олдига турган ана шу муаммони ўз вақтида ҳал этиш учун ҳали пайт бор. Бу-нинг учун кечиктирмасдан умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида кирил-ди алифбосини ўқитиш ҳам жо-рий этиш ўрилли бўлади.

2001 йилда "Шарқ" нашри-ёт-матбаа концернида 23 ном-даги, шунингдек, "Чўлпон", Ғафур Ғулум номидаги Ада-биёт ва санъат нашриётларида ҳам болалар адабистлари лотин ёзувидаги ўзбек алифбосида

Тахририятдан: биз юқориди бир мактаб ўқувчиси-нинг хатида кўтарилган долзарб муаммо — лотин ёзувига ўтиш даврида янги авлод тарбиясида туғи-лажак мушкулларнинг тўғрисида айрим тегишли муас-сасалар раҳбарларининг фикр-мулоҳазаларини ва ўз фикримизни баён этдик. Аммо бу масала бутун жами-ятга тааллуқли. Чўки барча оилаларда буш фарзанд-лар бор. Улар ҳам қашқадарлик ўқувчи қаламга ол-ган муаммоларга дуч келмайдилар, деб ким қаролат бера олади? Шу боис, юқоридаги масала бўйича кенг жа-моатчиликнинг, айнакса, масъул шахслар ва педагог-ларнинг фикрларини кутиб қоламиз. Биргалашиб, қўйилган масаланинг оқилона ечимини излайлик.

Дилбар ТУРҒУНОВА, «Жалқ сўзи» мухбири.



Термиз тумани «Дўстлик» жамоа ҳўжалигида жойлашган «Эр-гаш полвон» фермер ҳўжалиги бошлиғи Худойназар Эргашев кўччилик ўрнак олдарида ишларни амалга оширмоқда. Ўз меҳнати туфайли обрў топан бу инсон ҳўкуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қи-шлоқ ҳўжалик ходими» ва қатор орден ва медаллар соҳибидир. Бундан беш йил аввал Худойназар Эргашев «Дўстлик» жа-моа ҳўжалигини 900 бош қорамолни ҳўсуеялаштириб олди. Ҳозирда қорамоллар сони 1000 гага етди. Шунингдек, 340 гек-тар ерда дехқончилик ҳам қилинади. Айни пайтда ҳўжаликда 78 нафар ишчи меҳнат қиломоқда. Фермер ҳўжалиғи ўтган йилни барча соҳаларда муваффақиятлик ақулади. Давлатта 22 тонна гўшт ва 500 тонна сўт топишди. Мавжуд 360 бош соғини ситирининг ҳар 100 бошидан яна қўшимча 80 та бузоқ олиш мўлжалланмоқда.

Суратларда: «Эр-гаш полвон» фермер ҳўжалиги бошлиғи Худойназар Эргашев ва дехқончилик бри-гадаси бошлиғи Очил Хўжанов иш юзаси-дан маслаҳатлаш-моқда; етарли озука жамғарилганлиги боис ҳўжаликда қи-шлов қийинчилиқсиз ўтапти. Искандар ХўЖАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



Митти фелъетон Машина можароси

Куйи Чирчқ туманининг «Ўзбекистон беш йилнинг» тажриба ҳўжалиғида истикомат қилувчи нафақахўр Т.Содиқов яхши ниятлар билан «Ким ошди» савдоси орқали ҳўжа-ликнинг ВА3-2121 русумли «Нива» автомобилсини сотиб олганди. Содиқов 1999 йилнинг 11 октябрында миллий ҳўқуқини тасдиқловчи давлат орадерини қўлга киритиб, ма-шинани бўлиб, деб ўйлагани-да, Афсуски, бироз янглиш-ган экан. У буни фақат кейин-чалик тушуниди.

қисмлари ва 5 та баллонни йўқитиб маълум бўлди. Буни кўрган мулк эгаси машинани қабул қилиб олмай-ди, балки бу ҳақда 1999 йил-нинг биринчи ноябрыда ҳўжа-лик раҳбарига ёзма равишда мурожаат қилди. Ҳўжалик ма-мурияти 2000 йил биринчи февралдаги 8-рақамли хати билан автограҳ мудирини вази-фасини бағарувчи О.Болтабоев, механик Ж.Нурматов ва собиқ ҳўйдовчи А.Негматовларга ёзма оғоҳлантириш бериб, ўн кун мулдат ичда машинани ўз ҳўлига келтириб, Т.Содиқовга топшириши лозимлигини бил-диради. Ана шундай оғоҳлан-тиришлардан бири собиқ га-раж мудир К.Урушбоева ҳам берилади. Лекин улар ёзил-гани бўйича қорғоҳда қўлиб кета-ди.

— Тўғри, уйда йўқинида машинанинг айрим эҳтиёт қисмлари ва баллонлари йўқ-либ кетганди, — дея та олади ҳўйдовчи А.Негматов беларо-оҳланди. — Лекин аини дамада уларнинг тўла жойига қўйи-шимга моҳий аҳволим тўғри келмайдилар. — Мен вақтида машинани

автограҳга олиб келиб қўйи-ши керак эди, лекин ҳўйдов-чига ишониб уйда қолдирган-ча, — дея тушунича берди со-биқ гараж мудир К.Урушбо-ев. — Айбемиз деб олмай-ман, бунда ҳўйдовчи иккимиз бирдек жаовбаримиз. Шунинг учун машинанинг кам-кўсти-ни тўғрилаб, бир ҳафта ичда Тоҳир акага топширишга ва-да беримиз. Бу вақда ўтган йилнинг ав-густ ойларида берилган эди. Утган давр ичда Содиқовга бор-йўли ута билдан бериди. Қолгани ҳануз «ялва»-лигича қолмоқда. Масала бир қарашда оддийдек тузолади. Лекин чу-қурроқ ёнашошса, айнан шу ҳўжаликда 33 йил меҳнат қил-ган нафақахўр бир мўйсифид ўз пунига сотиб олган маши-насини савкам 3 йилдан беш-олимадан идорам-илора юр-ганлигини қайси қонун ва нима билан ўнлаш мумкин? Ҳўш, собиқ ҳўйдовчи ва гараж мудирини шу даражага бориб ет-ган экан, сотилган «мошнинг» эгаси — ҳўжалик ва унинг раҳбарини нима учун маса-лага панжа орандан қараб кела-япти? Ахир, ҳўжалик сотил-

ган автомашинани ўз ҳисоби-дан чиқариб, олди-бердини жойига қўйиши керак эди. — Мен бир нарсга ачина-ман. Машинани шу пулга бо-зордан ҳам олишим мумкин эди. Лекин ҳўжалик сотишни лозим кўрган ва қўлимга бу ҳақда 1998 йилнинг 4 марта-даги мажлиси қарори билан ҳўжат берган экан, буни ўзимга нисбатан ҳўрмат, деб тушушим. Оқибатини эса, кўриб турибсиз, — дейди қўй-ниб Тоҳиржон ака Содиқов. Мутасарф қилиб айтиш ке-ракки, бундай масъулиятсизлик ҳар қандай кишининг кўнгли-ни ранжитиши турган гап. Т.Содиқов ўз мулки бўлган ав-томашинани учинчи йилдирки, минши у ёқда турсин, ҳатто, ҳовлисига олиб келолмайди. «Нива» учинчи йилдирки, ҳўжалик автограҳида қор-ёг-ирининг тағдида ётибди. Янги асрни гаража «қарши» олган автомашини зора 2001 йилда ўз эгасига етиб борса...

Эркин МАВЛОНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Advertisement for the Republic of Uzbekistan Auction of State Property. Title: Республика Кўчмас Мулк Биржаси. Subtitle: Сиз азишларни 2001 йил 9, 23 март кунлари соат 11.00да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади! Content: Lists of property lots for sale in various regions like Navoiy, Andizhon, Namangan, Samarqand, and Xorazm, including details like location, area, and price.

Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси — бугунги кунда ўз сабдларида 50 мингдан зиёд ёшларни бирлаштирган йирик спорт жамоасидир. Федерация жаҳоннинг 155 мамлакатига томонидан расман тан олинган. Жаҳон Каратэ Федерацияси (WKF) ва Осиё Каратэ Федерацияси (АУКО)нинг тўла ҳуқуқли аъзолари. Халқаро майдонларда юрт шаънини, Ватан ор-номусини ҳимоя қилиб, Ўзбекистонимиз довурига довуқ келтираётган спортчилар бунда кўп. Кейинги 5-6 йил давомида 300 дан зиёд каратэчи нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, ўзбек ўғлонлари деган номни шараф билан оқлади. Ҳозирги кунларда бу ерда 2004 йилда Грециянинг Афина шаҳрида бўладиган Олимпиада ўйинларига тайёргарлик жиддий кетмоқда.

— Фахрланасан, айтсан, арзийдиган спортчиларимиз жуда кўп, — дейди миллий федерация президенти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, Урта Осиёда ягона 6-ДАН «Қора белбоғ» соҳиби Нурхон Нафасов. — Ҳаммалари ҳам мақтову таҳсинга лойиқ боларди. Масалан, Азаматни, Азамат Али Қаландаровни олайлик...

«Алломиш» дostonида тоғнинг дарахлари гумбуралиди.

Сурхоннинг боболари «Ўғил бўлса, Алломишдай бўлсин!», дея ният қилди.

Сурхоннинг чавандозлари «От бўлса, Бойчибордай бўлсин!», дейди. Сурхоннинг боболари Алломишга ҳавас қилиб, у билан бўй ўлчаб улагди.

... Қирқ кун ўртдан аниқ ўтди, боз раъздан овоз келди: «Бойбўри, сенга Худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас, эгиз берди; Бойсари, сенга Худойим бир қиз берди, эгиз эмас, ёлғиз берди. Бундан борсанг, фарзандларни кўрсанг, халойиқларни йиғанг, тўй-томашлар берсанг, тўйда қаландар бўлиб бориб, болаларнинг отини ўзим қўйиб келаман».

...Бийлар шу вақтда ордан қайтиди, бул ёқдан шу вақтда фарзандлар ер юзига тушди. Бир нечачар бийларнинг олдига чиқиб, суюнчи олдди. Бийлар зиёда вақти хуш бўлиб, маърифа келиб жой олиб, вақти хуш-лигидан ҳар тарафга хабар юбориб, халойиқларни чақириб, тўй-томашлар қилмоқчи бўлиб, чоғланиб, соъланиб, ўн олти уруғ Кўнғирот элининг катта-кичик бийларини, оқсоқол, арбобларини йиғдириб, тўй қилмази, деб маслаҳат қилди. Ҳамма мамлакатга овоза бўлиб, душманлар гагини билан, гагини билса ҳам илоржани тополмай, ҳеч кимга (юртин) ёрдаммай бўлар ҳам қуллуқ бўлиниб келаберди. Ун олти уруғ Кўнғирот уруғининг одамлари, эшитган халойиқлар гурӯс-гурӯс бўлиб келди. Шунда катта-кичиклар келиб, бийларнинг оғидан тўй қилмасин, деганини эшитиб, тўйнинг ас-бобларини тўзатиб, қанча сўқим моллар сўйиб, ош-паловларини дамлаб, фуқаро, бева-бечоралар тўйиб, шу аснода ўн олти уруғ Кўнғиротнинг одамлари тўйини қилиб, ҳаммалари ҳам бўлиб, қирқ кечаю қирқ кундау тўй бериб ётди».

Фарзанд, авваломбар, Худодан сўралган, унинг тугилиши эса шундай тантана қилинган.

Термизлик шифокор Дўстмурод ақанинг оиласида иккинчи фарзанд дунёга келганда, унга яхши нишанлар билан, Алломишга торсин, элининг ботири, паҳлавон бўлсин, дея Азамат Али деб исм қўйишди. Одам боласига исм хислати ҳикмати билан қўйилади. «Исми жисмига монанд» деган нақл ҳам шундан келган. 1973 йилнинг 23 мартини, Наврўздан икки кун кейин туғилган Азамат Дўстмурод акалар оиласига чин маънода кўклам тароватини, Наврўзний бир шухуни олиб келди.

Барча болақайлар каби у ҳам эммак-лаб, йиқилиб-туриб катта бўлди. Гоҳ бурни қонади, тоҳ ота-онаси олдига қизариб турди. Ниҳоят, мактабга борди. Худо унинг биланга ҳам, кўнглига ҳам кўч берганди. Алломиш ҳақида кўп эшитган, билган, болалитдан бахшларнинг дostonларига қулоқ тутган Азаматнинг кўнглида

жўш урган орзу-ҳавас дунёси уни тинч қўймади. Урта мактабнинг 6-синфида ўқиб юрган кезлари, яъни 1986 йилда бошлаб Термиз шаҳридаги каратэ тўрагага қатнаш бошлади. Каратэнинг нозик жиҳатлари, сир-асорини билиб, ўрганиб боргани сайин эса астойдил ихлосу иштиёқ билан киришди, бор вужуди билан берилди кетди.

Ниҳоятин яшил поёзлари уни ҳам Тошкентга олиб келди. Бу ерда,

Эронда ўтказилган каратэ бўйича халқаро турнир мусобақаларида кўрсати. Бу бешлашуларда жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидан келган спортчиларни енгиб, ўз вақти бўйича биринчи ўринни олди.

Азаматнинг халқаро майдонларда Ўзбекистоннинг гурури баланд ўрнини сифатида эришган муваффақиятларининг ўзи бир дoston бўлгучи. У борган мамлакатлар, юрган, у юрт шарафи деб из қол-

мумкин. Албатта, бор-да! Азамат оилали, умр йўлдоши Гавраҳон билан икки ўғил — Муҳаммад Али ва Абу Бакр Сиддиқнинг тарбиялаб, вужда етказишяпти. Каратэ билан шуғулланишдан ташқари, шу йиллар давомида Миллий университетимизнинг ҳуқуқшунослик факультетинида ўқиб, уни муваффақиятли битирган. Хуқуқшунос дипломи бор.

Яна нима? Яна «Алломиш»га қайтамиз. Дostonда «Азаматлар олмос бойлар дастига, беклар минди бедов отнинг устига», деган сатрлар бор. Алқисса, «Алломиш» ҳам, бизнинг қиссамиз ҳам ҳали тугамайди. Бойсунда, халқ бахчиси Шоберди оғамиз дўмбрасини инграбти, дostonни келган жойидан олаберсинлар, буюқда, Тошкентда «Ўзбекино» режиссёрлари Алломиш ролига полвон йиғитларни тийриқлаб излашга тушганларидан айтйайлик.

Манаман деган ботирилару ўғлонлар ичида, қанчалар имтиҳону сўровлар, суратга туширишлари бахсу мунозаралардан сўнг режиссёр Ҳабибулла Файзиев билан киноқисса муаллифи, Ўзбекистон Халқ шоири Усмоҳ Азим, яна қанча киночилару киношунослар Алломиш ролига муносиб деб Азаматни танлаганларига нима дейсиз?! Жуда қизиқ бўлди-да!

Киночилар каровни билан «Кайдасан, Бойсун эли!» деб Сурхондарёга жўнаганлариди, аввалига ҳеч ким ишонмаган эди. Лекин бу гап-сўзлар амал тўқини қилиб, Алломиш ролида қанчаллиги ҳақиқат бўлиб, кинонинг илк тақдимот намоиши эълон қилинганда, бутун каратэ федерацияси гулу гулдастала билан кириб борди. Каратэ бўйича чемпиони санъатдаги, кинодаги илк габабиси билан ўнлаб, юзлаб танишлари, дўстлари-ю устозлари чин дилдан табриқлашди. Унинг ўзи учун ҳам бу ҳаётнинг қултилаган, ўзгал воқеаси эди. Дарҳақиқат, Азамат кўрккам қалду қомати, келишган, бақувват габабиси билан Алломиш ролига гоят мос тушганди. «Худо суйган қулга элтиб берар йўлга!» деганлари шу бўлса керак-да!

Энди гапни Бойчибордан эшитинг. Киночилар Тошкентдан Алломишни топиб, не оруз-ниятлар билан Сурхондарёга бориб, ишни бошлайми деганлариди, унинг Бойчибор оти топилмади қолса бўлдимми? Сурхоннинг қанча тулоплари, қанча саманлари-ю йўрғалари танловдан ўтолмайин, қанча чапоғонлар хабар бўлиб қолдилар. Аммо лектин роса хулум бўлишди-да.

— Тоғамнинг, Чори чапоғоннинг бир оти бор, шуни ҳам кўрсатсаларми? — деди охири Алломиш, яъни Азамат.

— Э, кўрсатин! Тезроқ кўрсатин! — дейишди киночилар.

Шундай қилиб, Бойчибор Алломишини тоғасиникидан топилиди. Кино суратга олиниб бўлинди. «Алломиш» элга манзур бўлди, ҳамма мурову мақдонида эди. «Бундан кейин ҳам мурову мақдонидаги гап етинлар!» дея элининг оқсоқоллари дуо бердилар.

Азамат Тошкентга келди. У ҳозир Афинада уқ йилдан сўнг бўладиган Олимпиада ўйинларига қатнашмоқ учун қаттиқ тайёргарлик кўрмоқда. ... Бойчибор-чи? Бойчибор аллақачон экранларга чиқиб, бутун мамлакатни кезиб, йўртги, учиб юрган бехабар, Сурхондарёда — Чори чапоғоннинг отхонасида емаҳалтадан қариллатиб арпани уриб ётибди. Лекин у дostonдаги мана бу сўзларни Азамат кириб борганда, ўз отлик сезгиси билан тушганларига, элу хешларига кишнаб билдирмоғи тайин:

То ўзгучи арапанга *рост бўлдим,*
Ўз феълимдан чўпу *хасови наст бўлдим.*
Худони уртага солиб *дўст бўлдим,*
Келган меҳмон сенинг *ўзлениг бўлди.*
Сирожиддин САЙИД.



Термиздан чиққан АЛПОМИШ

Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бirlашмасининг 3-ётоқхонасида Нурхон Нафасов билан танишиди. Маъгулотларга бирга борадиган бўлишди. У кунлар, у тинимсиз машқлар Азаматнинг ҳаётида чуқур из қолдириди. Тақдир уни тўғри, керакли йўллардан бошлаб, керакли инсонларга дуч қилмоқда эди. Ҳаётда ҳамма шундоқ: ўсимирлик чоғинида Худо сенга етказган бир инсон тўғрисида умру тирклигининг бутун мазмуни ва йўналиши ҳал бўлади-қолади. Яратнингнинг марҳумати эса ҳаммага кенг. Азамат укамиз ҳам ўз ҳаёт йўллариди учраган инсонлардан ҳамма миннатдор, улардан доимо рози. Бўлмаса, тақдир бошқа йўллардан болашсини, ўзга, бошқа хил инсонларга дучор қилиши мумкин эди-ку!

1990 йилдан бошлаб у Ҳўжамқул Ҳўжамқулнинг Тошкент шаҳридаги 153-урта мактаб залида йўлга қўйилган машгулотларига мунтазам қатнай бошлади. Унинг учун бу машгулотларисиз ҳаётнинг мазмуни йўқ эди энди. У ҳақиқий, етук каратэчи бўлиб етишишга, ўз элу юртининг чин спортчиси бўлишга азму қарор қилганди. Унинг ихлосу интилишлари, сидақилдан меҳнат қилиши устозлари, мураббийларининг эътиборини тортиди. Дастлабки пайтларда Ҳўжамқул ака орқабортдан дўсту танишларига у ҳақда «Шу боладан бир нарсга чиқари-ёв!» дея аста иштибоб юрди. Кейин астойдил ишонди, қилган меҳнатлари бесафар кетмаслигига, Азаматдан қучли, довурак спортчи етишяётганига, амин бўлди.

«От чопис, гумбураг тоғнинг дараси, ботирини инграбти найза яраси», дейилади «Алломиш»да. Азамат мисолида бу — енгилмаслик, юрт номидан, Ўзбекистон номидан бир жойга борса, бешлашуларга қатнашса, ўзбеклар шарафини сақлаб, Алломиш авлодидан эканини кўрсата билиш, ёруғ юз билан, зафар билан қайтиш деганидир. Енгилмоқ — «найза яраси»дир, «инграмоқ» эса — юзи шувит бўлмоқ, элининг ном-тузини оқломганликни билдиради.

Азамат ҳам худди шундай қилди. Ўзбек болаларининг қонлида алломишларнинг шиддати сўнмаганини, ору номус барҳаёт эканини исботлаб берди. У ўзининг бўй-бастини, ҳақиқий маъҳоратини илк марта 1992 йилда



«Ватан ягонадир, Ватан биттадир» танловига

унинг. «Полвонимизнинг каратэдан бошқа касб-кори ҳам борми?», дея сўрагучилар ҳам чиқиб қолиши

Миллионлар ўйини Тўп тепаётган қизларни кўринг



Яшил майдонда худди йиғитлардек тўп тепаётган қиз-жувонларни кўриб ҳаяжонланиб кетасан, киши. Ҳа, ўзбек қизлари ҳам миллионлар ўйинига астойдил кириб боришяпти. Наманганда талаба қизлардан ташкил этилган «Гулбаҳор» жамоасининг мамлакат аёллар футболда ўз ўрнини топгани ҳам бундан ниҳона. Ушунда йаманибнига майдонга тушган Машҳура Муллабоева, Гулбаҳор Қодирова, Дилора Қазилдинова қўлини тугатиб, дипломини олишган бўлса-да, севимили машгулотдан воз кечишгани йўқ. Аксинча, ёнларига Ольга Штрунова, Зулфия Қуватова сингари ўнлаб дугоналарини жалб этишди.

«Гулбаҳор»нинг друстгина жамоага айланшида эпчилликда йиғитлардан қолишмайди-да Гула Азимова, Галина Поправкаларнинг ҳиссаи катта. Улар талаба-қизларни майдонда ишонч билан тўп суришга ўргатгунча озмунча тер тўкишди, дейсизми.

Мулҳислар «Гулбаҳор» қизларининг маҳоратни ошириб бораётганликлари хурсанд. Шунинг учун ҳам жамоа мамлакат биринчилигида муваффақиятли қатнашиб, дастлабки йиллик фахрлик иккинчи ўринни эгаллаганида, унинг келажига умид ва ишонч уйғонганди.

Ўтган йилги биринчилик мусобақалари анча қизиқарли ва шиддатли келди. Наманганлик футболчи қизлар ҳар бир

ўйини ўзига хос ўтказиш учун тайёргарлик машгулотларига зўр беришди. Жамоани иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни зиммасига олган «Наманганвино» ҳиссасдорлик жамияти машқлар ва сафар ўйинлари кўнглидагилек ташкил этилишига зарур имкониятларни яратди. Қизлар ҳам бўш келишгани йўқ.

Аёллар футбол бўйича мамлакат биринчилиги якунланиб, галвир сувдан кўтарилганига кўп бўлгани йўқ. «Гулбаҳор»чилар иккинчи ўринни эгаллашган бўлса-да, руҳлари тетик. Чунки маҳорат яна бир бор синовдан ўтди, жамоанинг қайси аъзоси нимага қодир эканлиги аниқлаб олинди. Бу галги мавсумда ўйинлар, албатта, шунга яраша ташкил этилади.

Қизларимизнинг шашти баланд, жамоанинг мавқеи ҳам ёмон эмас, — дейди «Гулбаҳор» клуби раиси Баҳромжон Холмирзаев. — Эндиги вазирамиз сафаримизни маҳаллий ёшлар ҳисоби-га тўлдириб, қучларни янада мустаҳкамлаш. Шаҳар ва қишлоқларимизда яшил майдонга тушишни жон дилидан севадиган сингилжонларимиз етарлича топилади.

Мақсад яхши. Унинг рўёбга чиқиши йўлида ташланаётган қаламлар ҳам. Демак, «Гулбаҳор» янада камол топиб, қучлиларнинг қучлиси сафидан ўрин олишига ишонса бўлади.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Р. ФАҲОДИЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, О. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-37-34;
- Иқтисодиёт — 136-36-65;
- 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетхонлар билан алоқа ва минатақалар — 136-29-89;
- 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқор ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00001 рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 2115, 32212 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер базасида термиди ҳақла операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ. Навбатчи — О. РАЖАБОВ. Муасхих — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топириш вақти — 21.00 топирилади — 21.30 1 2 3 4 5 6

ҲИҚМАТ
Меҳнат ҳаёт чирогоғи ёғ қуяди, тафаккур эса уни ёритади.

«Автоҳамроқ» — Сизнинг ҳамроҳингиз
Янги аср аввалида ҳайдовчилар, автоҳаваскорлар, соҳа коллекционерлари ва кенг жамоатчилик севиб ўқийдиган «Автоҳамроқ» журналининг биринчи сонини босмадан чиқди. Таъкиллаш жонски, эндиликда журнал мавзу доираларини анча кенгайтирган. Жумладан, бу галги сон «Янги аср нашилдаси», «Янги-ланиси масъулият» мақолалари билан оғинди. Навбатдаги мингилликда Тошкент йўллари қандай бўлиши ҳақидаги мақола ҳам ўқувчилар эътиборини тортиди, деб ўйлаймиз. Ҳайдовчилик ҳуқуқи тўғрисидаги маслаҳатлар эса барчага бирдек қизиқарли бўлиши, шубҳасиз.

Хориж автомобиллари ишқибозлари бу сафар «Ягуар» ва «Севативиса» купранинг янги моделлари билан танишдилар. Журнал саҳифаларидан, шунингдек, «Қаҳқаҳа бекати» ва ҳайдовчилар ҳаётига оид кроссвордлар ҳам ўрин олган.

Жумбоқ
Икки йиғит дуэлла чиқмоқчи бўлишди. Секундант уларга ҳар иккови елкама-елка турган ҳолда олд томонда қараб 20 қадам юришлари, сўнг қарама-қарши томонга ўгирилишлари ва бир мартадан ўқ узишлари мумкинлигини туншунтирди. Ниситлар эса, биз қарши томонга қараб турганимизда ўқ отолмаймиз, деб эътироз билдиришди. Секундант ҳам ўз фикридан қайтмади. Бу ерда ким ҳақ?
3 февралдаги жумбоқнинг жавоби:

Ўзаро манфаатли шартларда узоқ муддатли ҳамкорликка таклиф этамиз.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:
Янгийўл ш., «АПКО Лаззат» Лаззат к., 1-а уй
Тел.: (8-37160) 2-69-10; 2-67-83.

МИНТАҚАЛАРДАГИ УЛГҮРЖИ-ЧАКАНА ОМБОРХОНАЛАР МАНЗИЛИ:
Навоий ш., Ибн-Сино к. Тел.: (8-436-22) 5-22-04.
Андижон вилояти, Жалолқудук тумани, Ёрқиншоқ Габаба қишлоғи Тел.: (8-332-22) 9-46-73
Шаҳрисабз ш., Илак йўли к., 23 Тел.: (8-375-52) 2-27-98; 2-36-87.

ЧП «ХАМИРАЕВ А.Р.»
ЭЛЕКТР ТОВАРЛАРИ
«Нексиа» - «Далас» - «Тлико» учун
МОТОР МОЙЛАРИ ва ФИЛЬТРЛАРИ.
Тел.: 50-94-92, 30-83-54.
Кечқиринчи - 170-83-65, 57-68-08.

КАНЦЕЛЯРИЯ ТОВАРЛАРИ 500 руб.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ДУ-20 мм, ДУ-25 мм, ДУ-32 мм, ДУ-50 мм, ф 76х3,5 мм диаметри пўлат қувурлар ишлаб чиқаради ва сақдо қилади.
ЭНГ ҲАЗОН НАРХЛАР
ФАҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАДИР.
Мулоқот учун телефонлар: 41-31-72, 41-29-94, 41-25-72, 41-22-61, 144-38-18.

Соғлиқни сақлаш вазири қошидаги Тиббиёт-санитария бирлашмаси 2-марказий клиник шифохонаси жамоаси шифохона бош врачни Нилуфар Аҳмедовага волидан муҳтарамаси Маҳфуза ая АБДУЛЛАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат дорилфунуни педагогика кафедраси жамоаси кафедранинг собиқ мудир, меҳнат фахрийси, педагогика фанлари номзоиди

Файзулла БОЗОРОВнинг вафот этганига муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Педиатрия медицина институтини таърифи ва жамоаси ТошПМИ Нукус филиали директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Джаллуддин МАМУТОВнинг вафот этганига муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Саноатда ва қончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигини жамоаси инспекция бошлиғи Ҳасан Юнусовга волидан муҳтарамаси ФАЗИЛАТХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.